



ҲИНДИСТОН БОШ ВАЗИРИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модии 29 август куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.



“Тошкент-Хумо” халқаро аэропортида Ҳиндистон Бош вазири давлатимиз раҳбари кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортиди.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар юқори даражадаги сиёсий

мулоқот, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг изчил кенгайиб бораётгани билан ажралиб туради. Икки томонлама муносабатлар йилдан-йилга янги мазмун билан бойиб, стратегик шериклик тамоиллари асосида барқарор ривожланмоқда.

Ҳиндистон Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда расман тан олган. Икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йил 18 мартда ўрнатилган.

Шу кун Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модии Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюрди.

Анъанага кўра, олий мартабали меҳмон Мустақиллик монументи пойига гул қўйди. Мамлакатимизнинг ўтмиши ва порлоқ келажаги ўртасидаги узвий боғлиқлигини ифодаловчи Мустақиллик монументи юртимизда юксак маънавият ҳамда эзгу қадриятлар қарор топганидан далolat беради. У Ватанимизнинг теран тарихий илдизлари ва улкан тараққиёт салоҳиятини яққол намоён этувчи юксак тимсолдир.

Мажмуада халқимизнинг кўп асрлик тарихи, буюк алломаларимиз ва жаҳонгир аждодларимизнинг сиймолари, юртимиз тараққиётидаги муҳим воқеалар ўз ифодасини топган. Монумент чўққисидаги Хумо қуши оёзлик ва эзгулик ғояларини, халқимизнинг олижаноб орзу-интилишларини ифода этади.

Мажмуа билан қисқача танишув давомида ушбу меъморий ансамблнинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот берилди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 30 август куни бўлиб ўтади.

Бўлажак музокаралар кун тартибидан Ўзбекистон — Ҳиндистон стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Тизимли сиёсий мулоқот ва маданий-гуманитар алмашинуви кенгайтириш, савдо, энергетика, кимё, геология, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида аниқ дастурлар ва кооперация лойиҳаларини илгари суришга устувор эътибор қаратилади.

Халқаро сиёсат ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари ҳамда кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўпламини имзолаш кўзда тутилган.

ЎЗА

СМИТА ПАНТ: “ҲИНДИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ ҲАҚИДА СЎЗ КЕТГАНДА, ҲАТТО ОСМОН ҲАМ САРҲАД БЎЛА ОЛМАЙДИ”

Ҳиндистон элчиси Смиита Пант Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг жорий йил 29 август куни бошланган давлат ташрифи арафасида “Дунё” АА мухбирига эксклюзив интервью берди.

— Элчи хоним, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги сиёсий мулоқот сезиларли даражада фаоллашди. Ўзаро ҳамкорликнинг энг муҳим натижалари нималардан иборат? Бугун Тошкент ва Деҳли учун қайси йўналишлар устувор?

— Менимча, Ҳиндистон ва Ўзбекистон муносабатлари ҳақида сўз кетганда, ҳатто осмон бизга сарҳад бўла олмайди. Чунки ҳамкорлигимиз кўп қиррали. Бизни асрлар қаърига бориб тақаладиган тарихий ва тамаддуний алоқалар боғлаб туради. Халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам маданий-маънавий ришталар бақувват пойдевор вазифасини ўтайди.

Бундан ташқари, савдо ва инвестициялар, фан ва технологиялар соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам ривож топмоқда. Бугун Ўзбекистонга минглаб ҳиндистонлик ёшлар таълим олиш учун келимоқда. Шунингдек, ахборот технологиялари, сунъий интеллект, стартаплар ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида бирга ишламоқдамиз.

Давлатларимиз Ўзаро стратегик шериклик аҳамиятини яхши англаб, қадрлайди. Энди уни янада юқори босқич — кенг қамровли стратегик шериклик даражасига олиб чиқиш истиқболларини кўриб чиқмоқдамиз. Унинг марказида инсон

манфаатларига йўналтирилган сиёсат туради, яъни ҳар икки мамлакат халқлари учун фойдали лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилади. Менимча, бу жуда муҳим.

Давлатларимиз раҳбарлари ўзаро алоқаларни мазмунан бойитиш ва янада фаоллаштириш, жумладан, барқарор ривожланиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратиб келади.

Хусусан, Ўзбекистонда “Яшил макон” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бизда эса “Она учун дарахт эк” номли лойиҳа мавжуд. Иккисида ҳам миллионлаб туپ дарахт экишга қаратилган эзгу мақсад мужассам.

Бу саъй-ҳаракатларда ўзаро тўлдирувчанлик руҳи мавжуд. Чунки биз Глобал Жануб мамлакатларимиз, аҳолимиз ёш, раҳбарларимиз узоқни кўзаб сиёсат юритади. Биз барқарор ривожланиш ғояларига содиқмиз.

Давлатларимиз етакчилари тез-тез учрашиб туради. Ҳурматли Бош вазириимизнинг Ўзбекистонга ташрифи шулар жумласидан. Бу бизга турли долзарб масалаларни муҳокама қилиш имконини беради. Ўзаро ҳамкорлик бўйича кун тартибимиз жуда кенг бўлиб, унда мамлакатларимиз халқларининг манфаатларига алоҳида эътибор қаратилган.

► Давоми 2-бетда



ШҲТ саммити олдида



ШҲТ: МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК ВА СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ ГЕОСИЁСИЙ ТУЗИЛМАСИ

Замонавий халқаро муносабатлар тизими ҳозир кенг қўламли трансформация ва мураккаб эволюцион ривожланиш жараёнини бошдан кечирмоқда.

Сўнгги йилларда глобаллашув халқаро муносабатларнинг устувор тенденциясига айланиб, давлатлар ва минтақалар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий алоқаларнинг янада мустаҳкамланишга кўпмаксадли қўшмоқда. Айниқса, транспорт, коммунал хизмат кўрсатиш ва ахборот технологияларининг жадал ривожланиши умумий манфаатлар ва глобал муаммолар атрофида бирлашаётган халқаро ҳамжамиятнинг шаклланишига муҳим туртки бермоқда.

Шу ўринда глобаллашув жараёнининг ижобий натижалари билан бир қаторда, салбий оқибатлари ҳам тобора яққол намоён бўлмоқда. Замонавий таҳдид ва хавф-хатарлар энди фақат алоҳида ҳудудлар доирасида чекланиб қолмай, минтақавий ва глобал миқёсда ҳам таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлмоқда.

Бундан ташқари, савдо-иқтисодий муносабатларнинг кенгайиши ҳамда халқаро молия ва капитал бозорларининг ўзаро интеграциялашуви турли минтақалардаги иқтисодий жараёнларнинг ўзаро боғлиқлигини кучайтириб, бир ҳудудда юз бераётган ўзгаришларнинг бошқа ҳудудларга ҳам бевосита таъсир кўрсатишига замин яратмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Халқаро ҳамкорликнинг универсал

принцип ва нормаларга асосланган тизими издан чиқиб бораётгани бугунги кун ҳақиқатидир. Бунинг асосий сабабларидан бири — глобал даражада давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончининг чуқур таназулга юз тутаётгани билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида геосиёсий қарама-қаршиликларга рағбат бериб, “блокларга мансублик” стереотипларининг қайта туғилиш хавфини юзага келтирмоқда. Давлатлар ўртасидаги бундай ўзаро ишончсизлик жараёни жаҳон иқтисодиётининг аввалги тараққиёт йўлига қайтишини ва глобал таъминот занжирларининг тикланишини мураккаблаштиради”.

Глобаллашув билан бир қаторда, минтақавийлашув (регионализация) жараёни ҳам замонавий халқаро муносабатлар тизимида муҳим тенденцияларидан бири сифатида шаклланимоқда. Ушбу жараён йирик минтақаларга кирувчи давлатлар ўртасида сифат жиҳатидан янги ҳамкорлик механизмларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Натижада давлатлар қўшни мамлакатлар билан барқарор ва узоқ муддатли алоқаларни йўлга қўйиш орқали ўз салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда минтақавий аҳамиятга эга долзарб муаммоларни биргаликда ҳал этишга интиломоқда.

► Давоми 2-бетда

ХАЛҚ ИРОДАСИ — ҚОНУН — НАТИЖАДОРЛИК: 35 ЙИЛЛИК ПАРЛАМЕНТАРИЗМ САБОҚЛАРИ

Тоғнинг салобати узоқдан билинади. Буюк ғояларнинг миллат тақдирининг ҳаётбахш қудрати эса йиллар ўтиши билан янада яққол намоён бўлади. Бугунги Ўзбекистон тараққиёт йўлининг улугворлиги, бунёдкорлик руҳи ва халқимиз эришаётган ютуқлардаги беқиёс аҳамиятини йиллар ўтган сари янада теранроқ англамоқдамиз.

Дарҳақиқат, янги Ўзбекистон фалсафаси нафақат кенг қўламли ислохотлар асоси, балки миллий тараққиётнинг янги тафаккурини шакллантирган, бугунги эришилган марраларга етаклаган халқчил стратегия эканини вақтнинг ўзи исботлаб бермоқда.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажақ яратамиз!” деган бош ғоя асосида кенг нишонланмоқда. У тараққиёт фалсафамизнинг мазмун-моҳиятини тўла мужассам этган, десак янглишмаган бўламиз.

Кимки замондан илгарилар фикирлай олса, келажақни яратади, кимки кечаги андозалар билан яшаса, тарих изидан эргашишга маҳкум бўлади. Президентимиз “Янги Ўзбекистон” ғояси орқали тараққиётнинг энг муҳим қонуниятини амалда намоён этди: буюк ўзгаришлар, аввало, тафаккурдан бошланади.



Мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотлар ана шу янгича тафаккурнинг амалий ифодасидир.

Дунёда ишонч инқирози, геосиёсий тарақлиқ ва хавфсизлик билан боғлиқ таҳдидлар тобора кучайиб бораётган бугунги таҳликали шароитда Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш ва қонуний манфаатларини

таъминлашни бош мезон қилиб олган, шиддатли ва аниқ натижага қаратилган демократик ислохотлар изчил кечмоқда. Халқимиз орта қайтмас ислохотлар натижасини ўз ҳаётида, дастурхонда, тобора юксалиб бораётган тиббий хизмат ва таълимда, кенг қамровли ижтимоий ҳимояда, умуман, турмуш фаровонлигида яққол ҳис этмоқда.

Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллиги санаси фақат босиб ўтилган йўлни сарҳисоб қилиш эмас, балки давлатчилик, жамият ва парламент қандай ўзгаришини англаш учун ҳам муҳим имкониятдир.

► Давоми 3-бетда



Таълим одимлари

БАХТЛИ БОЛАЛАРНИНГ БАХТИЁР УСТОЗЛАРИМИЗ

Инсон борки, ҳар йили таваллуд кунинда ўтган ҳаёт йўлига назар ташлайди. Беихтиёр ўзига мен шу кунгача нималарга улгурдим нималарга эришга олмадим деган саволни беради. Жонажон Ватанимиз давлат мустақиллигига эришган кун — 1 сентябрда эса ҳар биримиз, миллион-миллион юртдошларимиз биргаликда шу азиз юртимизнинг ютуқларидан фахрланамиз, ўтмиши ва бугунини қийслаймиз.

► Давоми 4-бетда



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб,
янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

ДАВР
НАФАСИ

3

2026 йил 30 август, 178-сон

35 йил



Раҳим ХАКИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикерининг
ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Бугун бу саволга жавоб излар эканмиз, миллий парламентаризм тарихига фақат қонунлар сони ёки парламентнинг ташкилий тузилиши нуқтаи назаридан қараб бўлмайди. Унинг ҳақиқий мазмуни халқ иродасининг давлат қарорларига айланиш механизми қандай ўзгарганида намоён бўлади.

Ана шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон парламентаризмининг 35 йиллик тараққиётини уч муҳим босқичга ажратиш мумкин: мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиш, икки палатали парламент тизимини шакллантириш ва ниҳоят, янги Ўзбекистонда халқчил, таъсирчан ва натижага йўналтирилган парламентаризмни қарор топтириш.

Мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий пойдевори

Мустақилликнинг дастлабки йилларида парламент олдида оддий қонун ижодкорлигидан анча катта вазифа турган эди. Янги давлатнинг ҳуқуқий архитектурасини яратиш, ҳокимиятлар бўлиниши принципини қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш зарур эди.

1992 йилда қабул қилинган Конституция халқни давлат ҳокимиятининг ягона манбаи сифатида эътироф этиб, Олий Мажлисни қонун чиқарувчи олий давлат вакиллик органи сифатида белгилади. Биринчи ва иккинчи чақириқ Олий Мажлис фаолияти даврида 230 дан зиёд қонун қабул қилинди. Марказий ва маҳаллий даражада давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий мақомини белгилади, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётни ривожлантириш асосларини шакллантирувчи қонунлар миллий давлатчиликнинг институционал пойдеворини яратди.

1994 йилда кўппартиявийлик асосида ўтказилган парламент сайлови эса вакиллик демократиясининг муҳим сиёсий асосини яратди. Шу тариқа парламент мустақил Ўзбекистон давлатчилигининг ҳуқуқий пойдеворини барпо этувчи муҳим институт сифатида намоён бўлди.

Олий Мажлисининг янги архитектураси

2002 йилги умумхалқ референдуми миллий парламентаризм тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Референдумда иштирок этганларнинг 93,65 фоизи Олий Мажлисни икки палатали парламент сифатида ташкил этиш ғоясини қўллаб-қувватлади.

Қонунчилик палатаси профессионал қонун ижодкорлиги институтига, Сенат эса ҳудудлар манфаатларини миллий даражада ифода этувчи вакиллик палатасига айланди.

Бу ўзгариш фақат парламент тузилмасини икки қисмга ажратиш эмас эди. У қонун ижодкорлигининг профессионаллашуви, ҳудудий манфаатларни ҳисобга

олиш ва қабул қилинаётган қарорлар сифатини оширишга қаратилган институционал ислохот бўлди.

Бироқ парламентаризмнинг энг катта ўзгариши ҳали олдинда эди.

Халқчил ва таъсирчан тузилма

Сўнгги ўн йиллик Ўзбекистон миллий парламентаризми тарихида алоҳида давр сифатида намоён бўлмоқда. Янги Ўзбекистон ғояси асосида инсон қадр, ҳуқуқ ва эркинликлари, фаровонлиги ва салоҳиятини рўйбга чиқариш давлат сиёсатининг марказига чиқди. Парламент фаолияти мутлақо янги ҳаётга маъно-мазмун касб этди.

Эндиликда қонуннинг қиймати унинг ҳажми, қанча моддадан иборатлиги билан эмас, балки инсон ҳаётини қанчалик ўзгартираётгани билан ўлчанадиган бўлди. Шу билан бирга, ислохотлар шиддатига мос тарзда қонун ижодкорлиги жараёни ҳам тезлашди.

Агар 2009-2016 йилларда Қонунчилик палатаси 305 та қонун лойиҳасини кўриб чиққан бўлса, 2017-2025 йилларда бу кўрсаткич 1456 тага етди. Яъни Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги фаолияти қарийб 5 баравар ошди. Депутатларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиши ҳам 65 тадан 163 тага кўпайди.

Бу рақамларнинг ўзи мақсад эмас. Улар парламент фаолиятининг мазмуни ўзгараётганини кўрсатади: халқнинг муаммоси ва эҳтиёжи парламент кун тартибига тобора кўпроқ кириб, ҳуқуқий ечимга айланмоқда.



“

Сўнгги йилларда миллий парламентаризм тараққиётида Президентимизнинг ҳар йили Олий Мажлисга йўлланадиган Мурожаатномаси алоҳида ўрин тутмоқда. Мурожаатнома парламент учун стратегик вазифаларни белгилаш, қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини янги мақсадларга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги Ўзбекистон парламентида халқ билан, сайловчилар билан мулоқот қилиш депутатлар фаолияти бош мезонига айланди. Ҳар ойнинг охириги ҳафтасида депутатларнинг тизимли равишда сайлов округига чиқиб, кенг аҳоли қатламлари ва тадбиркорлик субъектлари билан мулоқот ўтказиш, улар кўтарган муаммо ва масалаларга ечим топиш, шу жумладан, қонунларнинг амалдаги натижадорлигини ўрганиш ва заруратга кўра уларни такомиллаштириш амалиёти шаклланди.

Парламентнинг 2025-2029 йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги дастурида 40 та муҳим қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши назарда тутилгани эса парламент қонун ижодкорлиги тизимли режалаштиришга ўтганини кўрсатади.



Янги таҳрирдаги Конституция халқчил ва таъсирчан парламент фаолиятига муҳим асос берди. Унга кўра, парламент ваколатлари сезиларли даражада кенгайди. Қонунчилик палатасининг мутлақо ваколатлари 5 тадан 12 тага, Сенатнинг мутлақо ваколатлари 14 тадан 18 тага оширилди. Ҳукуматнинг парламент олдидаги ҳисобдорлигини таъминлайдиган қатор янги механизмлар мустаҳкамланди.

Айниқса, Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллаш, давлат бюджети ижросини назорат қилиш, Ҳисоб палатаси ҳисоботини кўриб чиқиш, ҳукумат ва унинг аъзолари ҳисоботларини эшитиш, вазирлар номзодларини маъқуллаш каби муҳим ваколатларнинг Қонунчилик палатасига берилиши парламентнинг ижро ҳокимияти устидан назоратини янги

2018 йилда “Ҳукумат соати” институти киритилиши ижро ҳокимияти ва парламент ўртасида очиқ мулоқотнинг янги ваколатлари сезиларли даражада кенгайди. Шу кунга қадар қарийб 70 мартаба “Ҳукумат соати” ўтказилиб, унда ҳукуматнинг 77 аъзоси депутатларнинг саволларига жавоб берди.

Бу рақамлар ортида катта ғоя мужасам — янги Ўзбекистонда ҳукуматнинг халқ вакиллари, демакки халқ олдидаги ҳисобдорлиги амалда таъминланмоқда. Тўғриси айтиш керак, авваллари парламентга вазирлар у ёқда турсин, ўринбосарларини келтириш ҳам осон иш бўлмаган. Айнан халқчил сиёсат туфайли бугун ҳукумат раҳбарияти, вазирлар ва бошқа идоралар етакчилари тизимли равишда парламентда бўлиб, ўз фаолияти ҳақида ҳисобот ва ахборот бериб бормоқда.

Сўнгги йилларда миллий парламентаризм тараққиётида Президентимизнинг ҳар йили Олий Мажлисга йўлланадиган Мурожаатнома алоҳида ўрин тутмоқда. Мурожаатнома парламент учун стратегик вазифаларни белгилаш, қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини янги мақсадларга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Илгари мамлакат тараққиётига оид энг муҳим вазифалар асосан давлат идоралари кабинетларида муҳокама қилинган бўлса, ҳозир бу жараён халқ вакиллари иштирокида, бутун халқимиз кўз ўнгида кечмоқда. Президент Мурожаатномаси очиқ сиёсий мулоқотнинг мутлақо янги маданиятини шакллантирди.

Энг муҳими, Мурожаатнома депутатлик масъулиятини ҳам ўзгартирди. Эндиликда депутат фаолияти давлатимиз раҳбари белгилаб берган стратегик вазифаларнинг ҳудудларда қай даражада бажарилаётганини таъминлаш, ижроси устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш ва одамлар ҳаётида амалий натижаларга эришишга қўшган ҳиссаси билан баҳоланмоқда.

Рақамлаштириш ва сунъий интеллект даври

Парламент ислохотлари энди рақамли трансформациядан ташқарида кечиши мумкин эмас.

“Project.gov.uz” ва “e-qonun.uz” платформалари қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва парламентда кўриб чиқиш жараёнларини рақамлаштиришга хизмат қилмоқда. Қонунчилик палатасида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш янги босқичга чиқмоқда: ҳуқуқий коллизияларни аниқлаш, қиёсий таҳлил ўтказиш, юридик техникани такомиллаштириш, қонуннинг амалдаги ижросини мониторинг қилиш каби имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Бугун парламент учун рақамлаштириш техник янгилик эмас. Бу қарор қабул қилиш сифатини ошириш, очикликини

кенгайтириш ва қонун ижодкорлигини тезкор ҳамда далилларга асосланган жараёнга айлантириш воситасидир.

Глобал мулоқот майдонида

Янги Ўзбекистон парламентаризмининг энг катта сифат ўзгаришларидан бири Олий Мажлисининг халқаро парламент дипломатиясидаги роли кескин ошгандир.

Бугун Ўзбекистон парламенти Парламентлараро иттифок, ЕХХТ Парламент ассамблеяси, МДХ Парламентлараро ассамблеяси, Осиё парламентлари ассамблеяси ва Марказий Осиё парламентлари форуми каби нуфузли платформаларда фаол иштирок этмоқда. Парламентлараро ҳамкорлик доирасида Қонунчилик палатасида 70 та давлат парламенти билан дўстлик ва ҳамкорлик гуруҳлари ташкил этилган.

2025 йил 5-9 апрель кунлари Тошкентда Парламентлараро иттифокнинг 150-юбилей ассамблеяси ўтказилиши эса бу жараённинг рамзий ва амалий чўққиси бўлди.

Ассамблея Марказий Осиёда биринчи марта ўтказилди. Унда 181 та миллий парламент ва 15 та минтақавий парламент уюшмаси бирлашган Парламентлараро иттифок доирасида 140 га яқин давлатдан 2 мингдан зиёд иштирокчи қатнашди.

Энг муҳими, 2026 йилда Парламентлараро иттифокнинг йиллик ҳисоботида Тошкентдаги 150-ассамблея илғор таърифи сифатида қайд этилди. Ушбу тадбир мамлакатимизни глобал парламент мулоқоти марказларидан бири сифатида намоён этган муҳим воқеа сифатида баҳоланди.

Бу ерда “марказ” сўзи географик тушунча эмас. Гап парламентлар мулоқоти, таърифи алмашинуви, умумий ечимлар ишлаб чиқиш ва парламент дипломатияси ташаббуслари яраладиган сиёсий майдон ҳақида бормоқда.

Тошкентнинг бу мақомини 2026 йил март ойида Самарқандда ўтказилган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” парламентлараро ҳамкорлик форуми ҳам янада мустаҳкамлади.

Бугун парламент дипломатияси ташқи сиёсатнинг муҳим таркибий қисмига айланди. Олий Мажлис халқлар ва давлатларнинг умумий манфаатлари асосида долзарб масалаларни ҳал этишда, тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва адолатни таъминлашда нафақат миллий даражада, балки халқаро ташаббуслар орқали ҳам фаол қатнашмоқда.

Бу борада Ўзбекистон ташаббуси билан Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ҳамда ижтимоий ривожланишни жадаллаштиришда парламентлар ролини кучайтириш борасида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган иккита резолюция муҳим аҳамиятга эга.

Бу икки резолюцияни бир нукта бирлаштирадиган: замонвий парламент энди фақат қонун қабул қилувчи орган эмас, балки инсон тараққиёти ва ижтимоий адолатни таъминлашнинг стратегик институтидир.

Марказий Осиёда мулоқотнинг самарали платформаси

Ўзбекистоннинг парламент дипломатияси минтақавий ўлчамда ҳам янги мазмун касб этмоқда. Бунда Марказий Осиё парламентлари форуми алоҳида аҳамиятга эга.

2023 йилда Қозғистоннинг Туркистон шаҳрида биринчи, 2024 йилда Хива шаҳрида иккинчи, 2025 йилда Бишкек шаҳрида учинчи форум ўтказилиши Марказий Осиё парламентлари ўртасида мунтазам мулоқот ва амалий ҳамкорлик механизмлари изчил ривожланаётганини кўрсатади.

“35 йиллик тараққиёт йўли Олий Мажлисининг тобора халқ билан ҳамнафас, қонун ижодкорлигида профессионал, назоратда таъсирчан, қарор қабул қилишда илм ва далилларга таянган, халқаро майдонда фаол ва энг муҳими, ҳар бир қарори ортида инсон манфаатини кўра оладиган парламент сифатида қарор топаётганини кўрсатмоқда.

Янги вазифа: стратегия ва натижа

2026 йилда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ўтган йиллар натижалари, замонвий глобал чақириқлар ва мамлакат тараққиётининг янги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда янгиланди. Янгиланган стратегияда натижаларнинг ўлчаниши, мониторингнинг рақамлаштириш, давлат органларининг масъулияти ва стратегик режалаштиришнинг уйғунлигига эътибор кучайтирилди.

Бу натижага йўналтирилган давлат бошқаруви моделига ўтишни аниқлади. Бунда ислохотлар самарадорлиги, аввало, уларнинг ҳар бир инсон, ҳар бир оила, ҳар бир тадбиркор ва ҳар бир ҳудуд ҳаётига ижобий таъсири орқали баҳоланади.

Ушбу жараёнда парламент нафақат қонун чиқарувчи орган сифатида намоён бўлади. Балки у ислохотларнинг самарадорлиги ва изчиллигини, жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватловини, амалга оширилиши парламент назоратига олиниши ва фуқаролар билан доимий мулоқотни таъминлашнинг энг муҳим институтига айланмоқда.

Энди парламент нафақат “Қандай қонун қабул қиламиз?” деган саволга, балки “Бу қонун стратегияда қайси мақсадга хизмат қилади?”, “Унинг самараси, натижадорлиги қандай ўлчанади?”, “Фуқаролар, жамият ҳаётида қандай ўзгариш бўлади?” деган саволларга ҳам жавоб топишга интиломоқда.

35 йиллик парламентаризм тарихидан чиқариладиган энг муҳим хулоса шуки, парламентнинг эволюцияси аслида давлат ва халқ муносабатлари эволюциясидир.

Кеча парламентнинг асосий вазифаси мустақил давлатнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиш эди. Бугун эса унинг вазифаси яратилган ҳуқуқий пойдеворини инсон фаровонлиги, иқтисодий тараққиёт, ижтимоий адолат ва давлат бошқаруви самарадорлигига йўналтиришга қаратилмоқда.

Мустақиллигимизнинг 35 йили Ўзбекистон парламентаризмининг шаклланиши, институционаллашиш ва сифат жиҳатидан янгилиниши тарихидир. Бир палатали парламентдан икки палатали тизимга, вакиллик функциясидан таъсирчан парламент назоратига, сифатли қонунлардан уларнинг натижадорлигига, миллий даражадаги фаолиятдан глобал парламент дипломатиясига бўлган йўл босиб ўтилди.

Айниқса, сўнгги ўн йилликдаги изчил ислохотлар бу жараёнга мутлақо янги ҳаёт мазмун-моҳият, янги ҳаётга ва шиддат бахш этди. Янги Ўзбекистонда парламент халқ овозини қонунга, қонунни эса амалий натижага айлантирадиган институт сифатида ривожланмоқда.

Олий Мажлисининг халқаро парламент ташкилотларидаги фаоллиги Ўзбекистон парламентининг миллий чегаралардан ташқаридаги таъсири ҳам ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

Шу маънода, 35 йиллик тараққиёт йўли Олий Мажлисининг тобора халқ билан ҳамнафас, қонун ижодкорлигида профессионал, назоратда таъсирчан, қарор қабул қилишда илм ва далилларга таянган, халқаро майдонда фаол ва энг муҳими, ҳар бир қарори ортида инсон манфаатини кўра оладиган парламент сифатида қарор топаётганини кўрсатмоқда.

Зеро, янги Ўзбекистоннинг кучли парламенти фақат кучли давлатнинг белгиси эмас. У халқ иродасини давлат сиёсатининг реал натижасига айлантирадиган энг муҳим демократик институтдир.



Таълим-тарбия ва фарзандлар камолоти йўлида қилинган ҳар бир ҳаракат келажагимизни ёруғ ва нурли манзиллар томон етаклайди. Бугун мамлакатимизда яратилаётган имкониятлар, илгари сурилаётган ташаббуслар ва эзгу ишларнинг салмоғи кундан кунга ортиб бормоқда.



Учинчи ренессанс бунёдкорларини тарбиялаш — ҳам бурч, ҳам масъулиятимиз



Мухсин ХОЖИЕВ, Гулистон давлат университети ректори, техника фанлари доктори, профессор

Педагогман, таълим соҳасида ишлайман, умуман олданда, келажагимиз учун бефарқ эмасман деган ҳар бир инсон аслида тарбиячидир. Зотан, бугунги тезкор замонда четда томошабин бўлиб туришга ёки таълим-тарбия масаласи фақат мутахассисларнинг иши деб қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Катта орзу-ниятлар билан янги Ўзбекистонни бунёд этмоқдамиз. Бу жараёнда эса таълим соҳаси вакиллари, миллат эртасининг тарбиячилари ҳисобланган зиёлилар бир ёқадан бош чиқариб, меҳнат қилиши даркор. Биз ҳам университетимиз жамоаси билан мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида жавлон уриб меҳнат қилаётимиз. Айниқса, сўнгги ўн йилликда таълим соҳасига эътибор педагоглари, профессор-ўқитувчилари шуқрона билан яшаш ва касбидан фахрланишга ундамоқда. Мажбурий меҳнат, пахта йиғими ва бошқа қора ишлардан зиёлиларнинг озод этилигани — мана энди уларга чинакам зиёли сифатида муносабатда бўлилаётганидан далолат. Ҳозир бор эътиборимизни таълим сифатини кўтариши, халқро ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш, ёшларнинг илмий ва ижодий салоҳиятини юксалтиришга қаратяпмиз.

Университетимизда 2017 йилда талабалар сони 3550 нафарни ташкил этган бўлса, 2026 йилга келиб, 15 минг 242 нафарга етди. Ўқитиш-қўллашнинг 64 та бакалаврият таълим йўналишида тахсил олмақда. 24 та магистратура мутахассислигида 293 нафар талаба дастлабки илмий тадқиқотлар билан шугулланмоқда. 2026/2027 ўқув йилида 3250 нафар абитуриент ўқишга қабул қилинади. Тўғри, бу рақамлар кишини хурсанд қилади. Қанча ёшларимиз олий маълумотли бўлса, шунча яхши. Аммо ҳар бир рақам остида минглаб тақдирлар турганини инобатга олсак, бу жараён барча профессор-ўқитувчилардан катта масъулият талаб этади.

Сон бор жойда сифат, сифат бор жойда сон ўсиши керак. Бу ўринда олийгоҳимизнинг илмий салоҳияти йилдан йилга ўсаётгани Гулистон давлат университети креатив фильмовчи ёшлар ва ўз тадқиқоти билан юрт тақдирига, халқ манфаатида хизмат қилишни бурч деб билган олимлар марказига айланётганидан далолат. 2023 йилда илмий салоҳиятимиз

Хўш, мустақиллик ўзи нима? Мустақиллик миллат эртаси учун негиз демакдир. Мустақиллик ҳар томчиси эзгулик деб номланадиган денгиз, ҳар қояси Ватан деб номланадиган тоғ, ҳар томири халқ деб номланадиган дарахт кабидир.



Гулистон давлат университетининг ижодкор талабалари қаламига мансуб шеърлар жамланган салкам 200 саҳифали китоб нашр этилиши арафасида турибди. Бу ҳам мустақиллигимизнинг 35 йиллигига университетимиз номидан ижодкор ёшларимизнинг бир тўхфаси бўлади, десам муболага бўлмас. Университетда ижодий муҳитни янада ривожлантириш йўлида ҳаракат қилишимиз. Натижада ижодкор ўғил-қизларимиз ҳали талаба бўлишига қарамай, давлат мукофотларига муносиб кўрилмақда. Олийгоҳимиз ёшларидан адабиёт йўналишида “Мард ўёлон” давлат мукофоти билан Еркинжон Ҳайитбоевнинг, худди шу йўналишда Зулфия номлидаги давлат мукофоти билан Зарингирхон Абдуллоевнинг, санъат йўналишида эса Жасмина Шералиеванинг мукофотлангани университетимиз ижодкор ёшлар учун қанот бўлаётганидан далолат.

Бундан ташқари, Туркменистонда ўтган “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари” фани бўйича очиқ халқаро интернет-олимпиадасида 2 талабамиз ғолибликни қўлга киритди. “Bukhara International Mathematics Olympiad — 2026” да иштирок этган университетимиз жамоаси 3 та қумуш, 2 та бронза медал ва 1 та жамоавий кубок соҳиб бўлди. Қозғистоннинг Олмаота шаҳрида математика, физика ва информатика фанлари бўйича ўтказилган 22-халқаро Жаутиков олимпиадасида эса жамоамиз 1 та олтин, 1 та қумуш ва 2 та бронза медални қўлга киритди. Биз бу натижалар билан тўхтаб қолмаймиз. Ёшларимизнинг ютуқлари бардавом бўлиши учун янада улкан режаларнинг мақсад қилганмиз.

Янги Ўзбекистон қандай қудратга эга эканини спортчиларимиз дунё ареналарида намойён этиб кўрсатиб кўйди. Бунга яқиндагина мундиалда Ўзбекистон жамоасининг илб бора иштирок этгани ва бу Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи давлат сифатида тарихга киргани ҳамда футбол бўйича жаҳон чемпионатидаги биринчи ўзбек олимни сирдарёлик вакилимиз Аббосбек Файзуллаев дарвозага киритгани кўрсатиб кўйди. Тўғри, биринчи мартабда бўлгани сабабли ғалабага эриша олмагандирмиз, аммо ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмасталигини, яна меҳнат қилиб, ўз устимизда ишлаганимиз лозимлигини тушунишди. Ўйлаймани, ҳали терма жамоамиз мундиалда муносиб ғалаба қозongan кунларини ҳам кўраемиз. Сабаби, Ўзбекистон — ёшларга катта имкониятлар берадиган, бутун дунё ҳавас билан қараётган мамлакат.

Ифтихор туйса, шарафланса, фарзанднинг ҳам қалби, ҳам келажаги нурга тўлади. Ёрлик ичига “Ушбу хонадонда Гулистон давлат университети-нинг энг намунали талабасини тарбиялаган муқтарам ота-она истиқомат қилади”, деб ёзди. Ҳа тақлифга, тақлиф эса ҳаракатга айлани. Ҳар бир факультетимиздан ушбу ёрликча муносиб, энг намунали талабаларни танлай бошладик. Барча факультет деканлари оила-ларга, хонадонларга бориб, энг намунали талабанинг ота-онасига ана шу ёрликни ифтихор билан топширди. Уша онда барча оналарнинг миқжасида ёш кўрдик. Бу фахр ва қувонч ёши эди. Албатта, намунали талабани танлашда бугун ҳар бир ҳудудда илгари сурилаётган ободончилик, талабанинг табиатга, атроф-муҳитга, маҳаллаю қишлоқнинг ободлигига муносиб ҳисса қўишгани ҳам алоҳида эътиборга олдик. Шу зайдда энг намунали талабаларни тарбиялаган обод хонадонлар университетимизнинг “Шараф ёрликлари”га муносиб кўрилди. Натижа кутганимизда зиёд бўлди. Бугун Гулистон давлат университети талабалари ана шундай “Шараф ёрликлари” билан ота-оналарини хурсанд қилиш йўлида ўзаро соғлом рақобат асосида ўз устида ишлаб, таълим ва ижтимоий фаолият рейтингларини ошириб бормоқда.

Ободлик кўнгилдан бошланади. Шундай кўнгиллардагина бунёдкор гоълар буй чўзади. Ҳар бир хонадон, ҳар бир кўча, ҳар бир мажмуа обод бўлса, юртимиз чиройига чирой қўшилиши. Бунинг учун эса, аввало, ҳар биримиз шахсий намуна кўрсатишимиз керак. Университетимизнинг бир гуруҳ фаол талабаларини волонтерлик клуби остида бирлаштирдик.



Унинг номини Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов хотирасига ҳурмат тариқасида, шоир шеъри номига ҳамонан тарзда “Жилга” деб атадик. Албатта, бугун клуб аъзолари университетимиз атрофидаги маҳаллаларда, вилоятнинг турли қишлоқларида ёлғиз нурунийлар ва имконияти чекланган инсонларнинг хонадонларида ҳашар ишларини тизимли бажариб келмоқда.

Бугун мамлакатимизни дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда. Сабаби, янги Ўзбекистон нафақат ислохотлар замини, балки ана шу ислохотларнинг амалдаги тасдиғини намойён этган адолат, ҳақиқат ва тотувлик масканидир.

Хўш, мустақиллик ўзи нима? Мустақиллик миллат эртаси учун негиз демакдир. Мустақиллик ҳар томчиси эзгулик деб номланадиган денгиз, ҳар қояси Ватан деб номланадиган тоғ, ҳар томири халқ деб номланадиган дарахт кабидир. Ҳар хилқола қаров керак бўлгани каби мустақиллигини ҳам асраш, қадрига етиш, ҳимоя қилиш лозим. Шубҳасиз, “Янги Ўзбекистон” гоъси мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар эшигини очиб, Ватанимиз номини дунё ҳамжамияти олдига янада забардаст тутиб бермоқда. Биз мана шу юрт учун муносиб ҳисса қўша олишимиз даркор. Бунда хизматимиз ёшларнинг ўзбекона тарбияси, халқаро стандартларга асосланган сифатли таълимида намойён бўлади.



Бахтиёр ХОЛМАТОВ, Фанлар академияси Зоология институти директори, II даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби

Дилдаги гаплар

Мукофотланганим ҳақидаги хабарни катта қувонч ва ҳаяжон билан қабул қилдим. Якшанба тонгида уйда онам билан суҳбатлашиб ўтирарканман, кутилмаганда Фанлар академиясидан кўнжроқ бўлиб, давлат мукофоти билан тақдирланганим айтилди. Ростки, ҳаяжондан бир зум нима қилишимни билмай қолдим. Ҳатто онамга ҳам бирдан айта олмадим. Бир оз нафасимни ростлаб, кейин “Онажон, Президентимиз давлат мукофоти билан тақдирлабди”, дедим. “Сидқидилдан қилинган меҳнат ҳеч қачон эътибордан четда қолмайди”, дея волидам дуо қилди. Онамининг шу сўзлари ва дуоси мен учун мукофотнинг ўзи каби қадрли бўлди.

Мазкур юксак мукофотни биологик хилма-хилликни ўрганиш, илм-фанини ривожлантириш ҳамда илмий-педагог кадрлар тайёрлаш борасидаги камтарона меҳнатимиз эътирофи деб биламан. Фаолиятим давомида республикамизнинг қатор олий таълим муассасаларида бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иштирок этиб келаяман. Бугунгача бевосита илмий раҳбарлигимда 6 шоғирдим фалсафа доктори ва 2 нафари фан доктори илмий даражасини муваффақиятли ёқлади. Мен

учун, аввало, шоғирдларимнинг илмий изланишлари самара бериб, мустақил тадқиқотчи сифатида шаклланаётгани катта қувонч ва ютуқ.

Бундан ташқари, сўнгги беш йилда Хитой Фанлар академиясининг Пекин шаҳридаги Зоология институтида фалсафа ва табиётшунос докторлиги диссертациясини ёқлаши учун 7 нафар ёш олимни юбордик. Улардан 4 нафари диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, бугун илмий тадқиқотини давом эттирмоқда. Бу, бир жиҳатдан, ёш

олимларимизнинг салоҳиятини кўрсатса, иккинчи тарафдан, мамлакатимизда зоология ва биологик хилма-хиллик йўналишидаги илмий мактабини халқро даражага олиб чиқиш учун яратилган имкониятларнинг самараси деб ўйлайман.

Шунинг учун бу мукофотни шахсий ютуғим сифатида эмас, балки устозларим, ҳамкасбларим ва шоғирдларим билан бирга урдалаб келаётган ишларимизга берилган юксак баҳо сифатида қабул қиламан. Эътироф зиммамизга янада катта масъулият юклайди ва келгусида ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, илмий кадрлар тайёрлаш ҳамда биологик хилма-хилликни ўрганиш ва муҳофаза қилиш борасидаги ишларимизни янада кучайтиришга ундайди.

Олдимизда турган асосий вазифа эришилган натижалар билан чекланиб қолмай, Ўзбекистоннинг ҳайвонот дунёсини ўрганиш ва муҳофаза қилиш бўйича илмий мактабларини янада ривожлантириш, мамлакатимиз фаунасини келажақ авлодлар учун асраб қолишга муносиб ҳисса қўишдир. Келгуси йилларда бир нечта муҳим ва

стратегик йўналишга алоҳида эътибор қаратмоқчимиз.

Биринчидан, мамлакатимиз ҳайвонот дунёсини тўлиқ ва тизимли ўрганиш, унинг биохимил-хиллигини баҳолаш ҳамда замонавий рақамли технологияларни кенг жорий этиш. Шу мақсадда мамлакатимиз ҳайвонот дунёсининг ягона рақамли маълумотлар базасини яратишни муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Унда юртимизда учрайдиган ҳайвон турлари, уларнинг тарқалиши, сони, экологияси, муҳофаза ҳолати ва илмий маълумотлари жамланган. Бу база нафақат олимлар, балки табиати муҳофаза қилиш соҳаси, давлат бошқаруви ва таълим тизими учун ҳам муҳим илмий-ахборот манбасига айланиши керак.

Иккинчи муҳим вазифамиз — Ўзбекистон фаунасига бағишланган кўп жиллид фундаментал монографияни тайёрлаш. Бу асарда мамлакатимиз ҳудудидан учрайдиган ҳайвонларнинг тур таркиби, систематикаси, тарқалиши, биологияси, экологияси ва муҳофаза ҳолати комплекс ёритилади. Шу билан бирга, камёб ва йўқолиб кетиш

хавфи остидаги турларни муҳофаза қилишнинг илмий асосларини кучайтириш, иқлим ўзгариши ва инсон фаолиятининг ҳайвонот дунёсига таъсирини ўрганиш, халқаро илмий ҳамкорликни кенгайтириш ҳам асосий вазифаларимиз қаторида.

Энг катта мақсадимиз эса Зоология институти Марказий Осиёда биохимил-хилликни ўрганиш ва муҳофаза қилиш бўйича етакчи илмий марказлардан бирига айлантириш.

Бунинг учун бизда илмий салоҳият ҳам, тажриба ҳам, энг муҳими, ўз ишига садоқатли олимлар жамоаси ҳам бор. Шу маънода, давлат мукофоти биз учун якуний натижа эмас. Аксинча, бу янада катта мақсадлар сари иттилий, халқимиз ва Ватанимиз олдидagi масъулиятни чуқур ҳис этиш учун катта рағбатдир.

